

УЎТ 532.591

АСОСИЙ КАНАЛДАН ИСТЕММОЛЧИ КАНАЛГА СУВНИНГ ОҚИБ ЧИҚИШ МАСАЛАСИ

¹Бабажанова Ирода Юлдашевна – асистент, E-mail: babadjanova.i@mail.ru

²Линкевич Николай Николаевич – т.ф.н., доцент. E-mail: hidrokaf@bntu.bu

³Сафаров Аброр Абдухалил ўғли – стажер-тадқиқотчи. E-mail: abror.safarov.94@bk.ru

³Эркинов Самандар Тулкин ўғли. – талаба. E-mail: erkinovsmr@gmail.com

¹Олий ҳарбий авиация билим юрти. Қарши ш. Ўзбекистон.

²Белоруссия миллий техника университети. Минск ш. Беларусь Республикаси

³Карши муҳандислик-иктисодиёт институти. Қарши ш. Ўзбекистон.

Мақолада оқимнинг канал ён девори дарвозаси орқали бўлинши масаласи қаралади. Канал ён деворига туташи истеъмолчи каналнинг кавитация ва уюрмасиз оқимни таъминловчи шакли тавсия этилади. Бунақа типдаги масала суюқликнинг асосий каналдан истеъмолчи каналга уюрмасиз шаклда оқиб чиқиши масаласига келтирилади. Сувнинг эркин сатҳи шаклини аниқлаши орқали каналларда сув сарфини аниқлаши учун формулалар келтириллади.

Калит сўзлар: оқим, ён тешик, уюрма, сув айланиши, тезлик канал, оқим бўлинши, насадка.

The article deals with the problem of flow division in a channel with a lateral outflow. The shape of the bypass channel is recommended to ensure smooth flow. Solving issues with water distribution along the channel route and determining the shape of these channels, providing cavitation-free and irrotational flows, is reduced to solving the problem of the flow of an ideal incompressible fluid in a channel with a lateral outlet. Having determined the effect of lateral outflow in the channel on the shape of the free surface, the velocity distributions outflow, it is possible to regulate the supply of liquid to consumers.

Key words: flow, outlet, vortex, whirlpool, speed, channel, flow division, nozzle.

Кириш. Оқимнинг бўлинши гидравлика масаласи бўлиб, унда сув тақсимланиш жараёни ўрганилади. Бундай типдаги масалалар учун қатор экспериментал тадқиқотлар бажарилган. Оқимнинг бўлинши жараёнини қўйидаги схема кўринишида қараш мумкин: Асосий канал ён томонига θ бурчак остида тўғри чизиқли йўналишга эга бўлган истеъмолчи канал туташади (1-расм). Бу θ бурчакни 30° - 150° оралиғида ўзгартириш мумкин. Бу схеманинг экспериментал тадқиқотлари билан Г.Булле, Д.Я.Соколов, А.Я.Милович, В.А.Шаумян, А.С.Офицеров, А.С.Образовский, Н.Ф.Данелия, Ши Вей Ло ва А.Дж.Рейнольдслар шуғуланишган [3,6]. Оқим бўлинши оқиб чикувчи суюқликнинг сиқилиш жараёни билан бирга рўй беради ва уюрма майдонларни ҳосил қиласди. Бундай майдонларни асосий каналдан сув олувчи каналнинг қўшилиш зонасида пайдо бўлиб, бунда оқим ён томондан кучли сиқилишга учрайди (1-расм). Шунингдек, асосий каналнинг истеъмолчи каналдан ўтган қирғоғида оқимнинг кенгайиш жараёни рўй беради ва у жойда иккинчи ажралиш зонаси шаклланади ва ҳ.к. Шу сабабли, бу масала бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб саналади.

Масаланинг қўйилиши. Асосий канал ён томонидан суюқлик олувчи каналлардаги суюқлик ҳаракатини масаласи уч ўлчамли бўлиб, унинг аналитик ечимини топишнинг иложиси йўқ. Шу сабабли, бу масалани ечишда икки ўлчамли оқимча модели таклиф этилади. Асосий каналдаги сув сарфи ён томондан оқиб чикувчи каналдаги сув сарфидан анча кўп деб қабул қилинади. Масала жараёнининг физикавий кўринишини қараймиз. Асосий каналдан ён девордаги каналга тушувчи оқим сиқилади, сўнгра кенгайиб истеъмолчи каналнинг кўндаланг энини тўлдиради (1-расм). Сиқилган оқим билан истеъмолчи канал орасидаги оралиқда уюрма

майдон ҳосил бўлади ҳамда у ерда канал чап қирғоининг ювилиши ва ўнг қирғоида эса оқизиқ заррачаларининг чўкиши ҳосил бўлади [1,2,3].

Сув тақсимловчи каналларда напор йўқолиши асосан оқим сиқилишидан кейин бирдан кенгайиши туфайли юзага келади (истеъмолчи каналда) [6]. Шу сабабли, уюрмасиз оқимни таъминловчи истеъмолчи канал шаклини аниқлаш гидротехник иншоотларни лойиҳалашда катта аҳамият касб этади. Уюрма майдон ҳосил бўладиган оқимларнинг эркин сиртлари, каналнинг ҳақиқатан ҳам йўналтирувчи (уюрма ҳосил қилмасдан) деворлари бўлади. Агар уюрма майдон содир бўладиган зонани қаттиқ материал билан тўлдирилса, унда пайдо бўлган янги сирт уюрма майдонни ҳосил қилмаслиги керак бўлади [3,4] (1-расм). Амалда бу ҳолат аниқлаштиришни талаб қиласди. Биринчидан, уюрма зонасидаги сирт чегарасида ишқаланиш юзага келмайди. Агар уюрма майдон қаттиқ модда билан тўлдирилса, у холда сирт ишқаланиши юзага келади (реал суюқликлар оққандা) ва улар бироз оқим йўналишини ўзгартириши мумкин. Лекин бу таъсир жуда кичик бўлиб, уюрма ҳаракатни юзага келтирмайди деб қабул қилиш мумкин. Айниқса, кам қовушоқликка эга бўлган суюқликлар учун буни аҳамиятсиз деб ҳисоблаш мумкин. Иккинчидан, истеъмолчи каналда оқимни талаб этилган йўналиши бўйлаб йўналтириладиган нуқтада (1-расмдаги M нуқта) йўналтирувчи сирт ва уюрма майдонга ўтказилган уринма сирт устма-уст тушиши керак.

Қашқадарё вилояти ирригация тизими магистрал каналлар ва сув кўтариб берувчи насос каскадларидан ташкил топган. Насос станциялари каскади асосан дарёдан сув олади. Дарё сувлари эса кўпгина қум ва лойлардан ташкил топган бўлади.

Оқимнинг тезлиги бироз пасайган жойларда (уюрма зоналар) майда заррачалар интенсив равишда чўқади ва истеъмолчи канал узанини торайтириб қўяди ва сув ўтишини қийинлаштиради. Масалан Амударёдан Қарши магистрал каналига ҳар йили 10-15 млн m^3 лойқа чўкиб қолиб, сув узатилишини қийинлаштиради. Шу сабабли истеъмолчи каналнинг уюрмасиз оқим шаклини гидродинамик методлар билан топиш бетонсиз тўғонли сув ўтказгичларни лойиҳалаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Сув тақсимланадиган каналларнинг кавитация ва уюрма зоналарини юзага келтирмайдиган формаларини аниқлаш масаласи суюқликнинг асосий каналдан ёрдамчи каналга сув узатилишини масаласига олиб келинади. Истеъмолчи каналнинг асосий каналга туташувчи қисмининг уюрма зонасини юзага келтирмайдиган чегарасини аниқлаш масаласи истеъмолчиларга сувни рационал тақсимлашда муҳим рол ўйнайди. Ушбу мақолада сув тақсимловчи каналларда суюқлик ҳаракатини меъёрлаштириш масаласи оқим тезлигининг ўзгарувчан ҳолатларидағи оқимчани назариясига асосан ўрганилди.


Каналларда сувнинг напорли ва напорсиз ҳаракатларида сув тақсимоти участкаларида уюрма ёки кавитация зоналари содир бўлиб, сувнинг равон оқишига, шу туфайли сув сарфини тўғри ўлчанишига тўсқинлик қиласди. Бундай участкалар айниқса дарёлардан каналларга сув олинишида бетонсиз қирғоқларнинг емирилиб кетишига, истеъмолчи каналнинг лойқа билан тўлиб қолишига сабаб бўлади. Масалан Амударёдан Қарши бош магистрал каналига, Қарши магистрал каналидан туманлар каналларига сув тақсимлаш участкаларида шу жараёнлар кузатилмоқда. Шу сабабли янгидан барпо этиладиган каналларни лойиҳалаш, мавжудларини қайта таъмирлашда истеъмолчи канал чегаравий шаклларини оптималлаштириш (уюрма ва кавитация зоналари ҳосил бўлмайдиган шаклга келтириш) жуда муҳим ҳисобланади. Шуни назарда тутган ҳолда биз қуида оқимча назарияси усулида [3,5,7] асосий каналдан сув билан таъминланадиган истеъмолчи канал шаклини аниқ формасини аниқлаймиз. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, гидротехник иншоотлар лойиҳаларида муҳим рол ўйнайди.

Бунинг учун эни H бўлган каналдан $\alpha\pi$ ($\alpha > 0$) бурчак остида жойлашган истеъмолчи каналга сув тақсимланиш жараёнини қараймиз (1-расм).

Оқимни потенциал, суюқликни эса сиқилмас деб қабул қиласди. Ҳақиқий оқимларда кузатилганидек сувнинг истеъмолчи каналга кираверишида DE эркин чегара ҳосил бўлади. Бу чегара бўйлаб босим атмосфера босимига тенг бўлганлиги сабабли чегарадаги суюқликнинг тезлиги ўзгармас бўлиб, уни V_k деб белгилаймиз. Асосий ва истеъмолчи

канални туташтирувчи ва уюрма зонани юзага келтирмайдиган CM номаълум чегара ҳам масалани ечиш жараёнида аниқланади. Бу чегарада тезлик ҳам ўзгармас бўлиб, уни V_c билан белгилаймиз (1-расм).

Шунингдек, масалани ечиш давомида DE ва CM чегаралар M нуқтадан сўнг тўғри чизик кўринишини олади деб ҳисоблаймиз. Каналлардаги ҳақиқий оқимда ҳам шу нарса кузатилади (Қашқадарё вилоятининг Қарши, Нишон, Миришкор каналларида).



1-расм. Каналдаги сув оқимининг уюрмасиз тақсимланиш схемаси

$\frac{H_1}{H}$, $\alpha\pi$, $\frac{U}{V_k}$ параметрлар аввалдан маълум ҳисобланади.

Бунда, H_1 - каналнинг ВВ кесимдаги эни; U – асосий каналдаги сув тезлиги.

Масалани ҳал этиш жараёнида DE ва CM эгри чизиқли чегара формаларини, шунингдек $\kappa = \frac{\delta}{\alpha}$ оқиб чиқиш коэффициентини аниқлаш мақсад қилиб олинади.

δ - истеъмолчи каналнинг Е нуқтадаги эни, α - С нуқта абциссаси.

Ушбу муаммони Жуковский усули ёрдамида ҳал этишга киришамиз. Жуковский функцияси деб аталувчи қуйидаги

$$\omega = \ln \frac{V_k dz}{dw} = \ln \frac{V_k}{V} + i\theta \quad (1)$$

функцияни қараймиз. Бу ерда V - суюқлик тезлиги модули;

θ - тезликнинг ох ўқи билан ташкил қилган бурчаги.

DE чегара бўйлаб $V = V_k$ бўлганлиги сабабли $\ln \frac{V_k}{V} = 0$. Иккинчи томондан эса θ DE бўйлаб 0 дан $\alpha\pi$ гача ўзгаради. 2-расмда физикавий текисликнинг ω текислигига конформ акслантирилгандағи ҳолати тасвиранган. Демак, 2-расмда кўрсатилгандек, θ DE бўйлаб 0 дан $i\alpha\pi$ гача ўзгаради. DA , AB , BK бўйлаб ω нинг мавҳум қисми ўзгармас ва нолга teng. KC ва ME бўйлаб эса ω нинг мавҳум қисми яна ўзгармас, лекин бу сафар мос равища π ва $\alpha\pi$ teng бўлади.


CM бўйлаб ω нинг ҳақиқий қисми $\ln \frac{V_k}{V_c}$, га, мавҳум қисми эса π дан $\alpha\pi$ га қадар ўзгаради. К нуқтадан ўтишда ω нинг ҳақиқий қисми чексизгача ўзгариб, θ қиймати сакраб ўзгаради. Шундай қилиб, ω функцияниң ўзгариш соҳаси 2-расмда тасвиранганидек бешбурчакни ташкил қиласи.

1- ва 2- расмларни солиштириш орқали ва ω ни юқори ярим текисликка конформ акслантириш воситасида қуйидаги натижани оламиз [мураккаб ҳисоблашлар мавзу бўйича нашр этилган адабиётлар рўйхатидаги 5-ишида баён этилган]:

$$\omega = C_1 \int_0^u \sqrt{\frac{\xi - m}{\xi(\xi - C)}} \frac{d\xi}{(\xi - k)} + C_2. \quad (2)$$

C_1 и C_2 ларни қўйидаги шартлардан аниқлаймиз, яъни D нуқтада $\omega(0) = 0$, бундан $C_2 = 0$.

$$\omega = C_1 \int_0^u \sqrt{\frac{\xi - m}{\xi(\xi - C)}} \frac{d\xi}{(\xi - k)}. \quad (3)$$



2-расм. ω функциянинг ўзгариш соҳаси

1-ва 2-расмлардан кўринадики Е нуқтада $\omega = i\alpha\pi$. У ҳолда (3) формуладан C_1 ни аниқлаймиз:

$$C_1 = -\frac{\alpha\pi}{J(\infty)}$$

Бунда

$$J(u) = \int_0^u \sqrt{\frac{\xi + m}{\xi(\xi + C)}} \frac{d\xi}{(\xi + k)}$$

$$\text{Демак, } \omega(u) = -\frac{\alpha\pi}{J(\infty)} \int_0^u \sqrt{\frac{\xi - m}{\xi(\xi - C)}} \frac{d\xi}{(\xi - k)} \quad (4)$$

DK дан КС га ўтишида $\omega = i\pi$ бўлади (2-расм).

$$J(\infty) = \alpha\pi \sqrt{\frac{m - k}{k(c - k)}}$$

(1) ва (4) дан кўринадики

$$\frac{1}{V_k} \frac{dw}{dz} = EXP \left[\frac{\alpha\pi}{J(\infty)} \int_0^u \sqrt{\frac{\xi - m}{\xi(\xi - C)}} \frac{d\xi}{(\xi - k)} \right] \quad (5)$$

формуладан тезлик қиймати аниқланади.

$$\frac{U}{V_k} = EXP \left[-\frac{\alpha\pi}{J(\infty)} \int_0^1 \sqrt{\frac{m - \xi}{\xi(C - \xi)}} \frac{d\xi}{(k - \xi)} \right] \quad (6)$$

Каналнинг СМ чегарасида:

$$\frac{V_c}{V_k} = EXP \left[\frac{\alpha\pi}{J(\infty)} \int_0^c \sqrt{\frac{m - \xi}{\xi(C - \xi)}} \frac{d\xi}{(k - \xi)} \right] \quad (7)$$

$w(z) = \varphi_0 + i\psi_0$ комплекс потенциал оқим соҳасини $\{0 \leq \psi \leq Q\}$ соҳага конфори акслантиради

$$w(u) = \frac{q_E}{(b-1)\pi} \left[(k-1) \ln \frac{u-1}{k-1} - (k-b) \ln \frac{u-b}{k-b} \right] + iq_B \quad (8)$$

Бу ерда $q_E = \delta V_k$ ва q_B - мос равишда ЕЕ ва ВВ кесимлардаги суюқлик сарфлари.

(8) ни дифференциаллаб қўйидагини ҳосил қиласиз

$$\frac{dw}{du} = \frac{q_E}{\pi} \frac{(u-k)}{(u-1)(u-b)} \quad (9)$$

ВВ кесимдаги суюқлик сарфи $w(u)$ нинг $u=b$ нуқтадан айланиб ўтишида аниқланади

$$q_B = - \int_{u=B} \left[\frac{dw_0}{du} \right] du$$

ёки

$$\frac{q_B}{q_E} = \frac{k-b}{b-1} \quad (10)$$

1-расмдан кўринадики,

$$Q = q_B + q_E \quad (11)$$

1-формула орқали оқимнинг физик текислигига ўтамиз:

$$Z(u) = \frac{1}{V_R} \int e^{\omega} \frac{d\omega_0}{du} du. \quad (12)$$


(4) ни (2) га кўйсак

$$Z(u) = \frac{q_E}{\pi V_k} \int_0^u \frac{(u-k)}{(u-1)(u-b)} \exp \left[-\frac{\alpha \pi}{J(\infty)} \int_0^u \sqrt{\frac{\xi-m}{\xi(\xi-C)(\xi-k)}} d\xi \right] du \quad (13)$$

(13) ифоданинг мавхум ва ҳақиқий қисмларини ажратиб DE чегаранинг, яъни эркин DE чегарани аниқлаймиз:

$$\left. \begin{aligned} x(u) &= \frac{q_E}{\pi V_k} \int_0^{-u} \frac{(u+k)}{(u+1)(u+b)} \cos \left[\frac{\alpha \pi}{J(\infty)} J(-u) \right] du \\ y(u) &= \frac{q_E}{\pi V_k} \int_C^{-u} \frac{(u+k)}{(u+1)(u+b)} \sin \left[\frac{\alpha \pi}{J(\infty)} J(-u) \right] du \end{aligned} \right\} \quad (14)$$

Олинган муносабатлар масала ечимининг тўла ифодалайди. Охирги система каналнинг маълум геометрик қийматлари ва оқимнинг турли тезликларига боғлиқ ҳолда Ньютон сонли усулида хисобланди. Қуйида 3-ва 4-расмларда истеъмолчи каналнинг уюрмалик соҳа ҳосил қилмайдиган шакллари $\frac{U}{V_k}$ ва α нинг турли қийматларида аниқланди.




3-расм. Истеъмолчи каналнинг уюрмасиз оқимни таъминловчи шаклининг $\frac{\alpha}{H} = 0,3, \alpha = \frac{1}{4}$

ва $\frac{U}{V_k}$ нинг турли қийматларидан кўринишлари.

Хисоблаш ва кузатилган кўплаб тажрибалар оқимнинг истеъмолчи каналда сиқилиб, оқибатда энг қисқа δ қийматни қабул қилиши аникланди. Оқимнинг торайиши суюқлик AD ва KC девор бўйлаб ҳаракатланиб, истеъмолчи канал бошига келиб сиқилганича δ кенгликни ўзгартирмасдан ҳаракатланиши билан изоҳланади.

$$1 - \frac{U}{V_k} = 0,2; \quad 2 - \frac{U}{V_k} = 0,43; \quad 3 - \frac{U}{V_k} = 0,66$$



4-расм. Истеъмолчи каналнинг уюрмасиз оқимни таъминловчи шаклининг $\frac{\alpha}{H} = 0,3, \alpha = \frac{1}{2}$

ва $\frac{U}{V_k}$ нинг турли қийматларидағи кўринишлари.

$$1 - \frac{U}{V_k} = 0,2; \quad 2 - \frac{U}{V_k} = 0,43; \quad 3 - \frac{U}{V_k} = 0,66$$

Хуноса. Ифода этилган физик жараёнлар ва оқим кўриниши 3-ва 4-расмларда яхши намойиш этилган. Хисоблар шуни кўрсатадики, асосий каналдан оқим тезлигининг ўсишида М нуқта С нуқтага яқинлашиб оқим канал деворлари бўйлаб уюрмалик соҳалар ҳосил бўлишига олиб келар экан. Бу ҳолни кузатилган тажрибалар ҳам тасдиқлайди.

АДАБИЁТЛАР

- Опыт эксплуатации Каршинского Магистрального канала с каскадом насосных станций.-Ташкент: Мехнат. 1987.-186 с.
- Эшев С.С., Бабажанов Ю.Т., Базаров О.Ш., Бабажанова И.Ю. Движение жидкости в трубе с изломом // Universum: технические науки: электрон. научн. журн. 2021. 12(93)., с49-54.URL: <https://7universum.Com/ru/tech/archive/item/12790>
- S. Eshev, I. Gayimazarov, Sh. Latipov. On the calculation of the non – scouring velocities of a stationare water flow in channels lying in different soils. // European science review, № 1-2, Vienna, 2019.-P.145-148.
- S.S. Eshev, M. Avlakulov, I.E. Saidov Innovative approach to the calculation of the live section parameters of irrigation canals. The 5th International scientific and practical conference “World science: problems, prospects and innovations” (January 27-29, 2021) Perfect Publishing, Toronto, Canada. 2021. 1300 p.
- Махмудов И.Э., Садиев У. Оптимизация допустимой скорости потока вод в ирригационном канале // “Механика муаммолари” журнали, №3-4 сон Тошкент, 2011 й.
- Eshev S. S., Avlakulov M., Rakhatmatov M. I., Rakhimov A. R. Calculation of Parameters of Hydrodynamically Stable Earth Ducts //International Journal on Orange Technologies. – 2020. – Т. 2. – №. 10. – С. 58-60.
- Эшев С.С, Авлакулов М, Бобомуродов Ф.Ф. Боғланган грунтларнинг физик хусусиятларини ўзан ювилиш жараёнига таъсирини баҳолаш // Инновацион технологиялар. 2022. №3 (47).